Бу омилларнинг ҳаммаси, пировадиди, ёнилгига сарфланадиган маблағни икки баравар (кўпроқ ҳам) тежаш, двигателнинг хизмат мuddатини 30-40 фоиз, мой ва шағамлариники икки баравар узайтириш имконини беради. Табиийки, уларнинг таъмирлашга кетадиган харажатлари миқдорини ҳам камайтиради. Сўзимизнинг исботи сифатида 1 литр бензин – 915 сўм бўлса, газнинг 600 сўмлигини ҳисобга олсак, автомобилларни газлаштириш нечоғлик иқтисодий самара беришини аниқлаш қийин эмас. Масалан, “Нексия” автомобили 100 км.га 9 литр

бензин сарфласа, газда эса 9,9 литр сарфлайди. Шунда кунига 150 км. юрилса, бир йил давомида 1136025 сўм тежаб қолинади. “Дамас” автомобиллари эса 100 км.га 7,5 литр бензин, 8,25 литр газ сарфлайди. Бир йил давомида 946770 сўм иқтисод қилинса, “Волга”га 13,5 литр бензин, 14,8 литр газ сарфланган ҳолда, бир йилда 1718970 сўм тежаб қолинади.

Кўнчилиқ автомобиль эгалари газнинг иқтисодий тежамкорлигига эътибор қаратишиб, унинг бошқа афзалликларини унутиб қўядилар. Бинобарин, машина салонидан туриб, йўл-йўлакай автомобилни ҳам газга, ҳам бензинга ўтказиш имконияти пайдо бўлади. Газ системасининг таъминот қисмида носозликлар вужудга келганда ҳам автомобиль харажатдан тўхтамайди. Бундан ташқари автомобилнинг газ баллон тўлиқ тўлдирилганда, автомобиль икки баробар кўпроқ харажат қила олади (газ баллонининг ҳажми бензин бакидан кичик эмас). Юқоридаги ҳолат узок масофаларга қатновчи ҳамда сотиб олинган бензиндан кўнгли тўлмайдиغان ҳайдовчиларга қулайлик яратди. Каталиқ нейтрализатор билан жиҳозланган қиммат нархдаги хорик машиналарининг эгалари ҳам газ ёкиги системасини ижобий баҳолашапти. Газ системаси автомобильнинг амортизация қисмига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Агар газдан тўғри фойдаланилса, резинали техник мосламаларнинг фойдаланиш мuddати беш йилга узаяди.

Яна бир жиҳат: баллонли газ ускуналари автомобилани олиб қочиш (угон) “имконият”ларини ҳам чеклайди: осонгина ечса бўладиган коммутаторни узиб қўйсангиз, бас, ҳар икки тур ёнилгининг узатиш йўли батамом бекилган бўлади: мотор ўт олмайди.

Экологик тозаллиги

Маълумингизки, автомобиллар томонидан бир дақиқада атмосферага тоналаб захарли моддалар чиқарилади. Республикаимизнинг йирик шаҳарларида ҳавони ифлослантирувчи газлар автомобиллар хиссасига тўғри келади. Автотранспортларда газдан муқобил ёнилги сифатида фойдаланиш экологияни яхшилашга хизмат қилади. Чунки каталиқ захар ҳисобланган моддалар газ ёнилгиси таркибида деярли йўқ. Табиий газ машина двигателларининг “ЕВРО-4” экологик маъёрларига тўла мос келади. Шунингдек, энергия манбаларидан оқилона фойдаланишда ҳамда нефть захираларини кела-

жак авлодлар учун саклашда ҳам газнинг аҳамияти бекиёс. Шунга қарамай автомобиль ишқибозлари газлаштирилган автомобилларга хавфсираш назари билан қарашмоқда. Майли, ҳозирча шундай қараб турақолишсин.

Хавфсизлиги

Газнинг баллонда босим остида сакланиши дизель ва бензин ёнилгисига караганда анчагина хавфли деган фикрни уйғотади. Аслида эса бундай эмас. Газ баллонлар анча хавфсиз ёниладилар. Улар ёрилиш ёки портлаш хавфини келтириб чиқармайдиган даражада мустаҳкам қилиб ишланган. Газ баллонлари баланддан тушишда, ўқ узилганда, юқори ҳароратларда, оловга ва кислотга чидамлилиги бўйича бир неча бор синовдан ўтказилган. Қоида бўйича баллонлар машинанинг шикастланиш хавфи кам бўлган жойларига ўрнатилади. БМВ фирмаси аниқ фактлар асосида автомобиль корпусининг шикастланиш хавфини ўрганиб чиқди. Маълум бўлишча, автомобиль корпусининг газ билан жойлашган қисмида шикастланиш хавфи атиги 1-5 фоизни ташкил қилар экан. Автомобиллардан фойдаланиш таърибиси ҳам газ билан харажатланадиган машиналарда нисбатан портлаш хавфи камроқ эканлигини кўрсатади. Газ ёки бензин ҳавода фақатгина маълум ҳажмдагина юқори концентрацияда ёниши мумкин. Бензин 1,5 литр концентрацияда ёнади. Харажатланадиган автомобилда эса ёнган хавфи ҳолати вужудга келмайди.

Шу ўринда Америка газ ассоциациясининг статистик маълумотларига эътиборимизни қаратсак, Газ ёнилгиси билан ишлайдиган 2400 автомобилдан 10 йил мобайнида мунтазам фойдаланилган. Улар жами 280 млн. км. йўл босган. Шу вақт давомида 1 360 та тўқнашув юз берган. Булардан 180 та ҳолатда автомобилнинг газ баллони жойлашган қисми шикастланган. Лекин бирор бир ҳолат-

да баллон шикастланмаган. Худди шундай бешта ҳолатда эса бензинли автомобилларнинг аланга олиши кузатилган.

Қайси мосламани танлаган бўлардингиз...

Шундай қилиб биз газ баллон қурилмасини ўрнатишга қарор қилдик. Қайси фирманинг маҳсулотига ишонч билдириш керак, деган табиий савол туғилади. Айнан сифатсиз газ баллон мосламаларидан фойдаланиш газдан ёнилги сифатида фойдаланиш даражасининг пасайиб кетишига олиб келади. Аниқроқ гапирадиган бўлсак, анча кенг тарқалган Беларусда ишлаб чиқарилган газ баллон мосламаларида бир неча камчиликлар кўзга ташланапти. Беларус маҳсулоти ёнилги бозорига кириб келганда автомобиль ишқибозлари томонидан катта қизиқиш ва ишонч билан қабул қилинган эди. Аммо харидорлар ишончини қозона олмади. Беларус мосламасидан фойдаланувчиларнинг айтишича, мослама ўзининг арзонлиги билан истеъмолчини жалб қилса-да, дастлабки километрларда бир маромда ишламаслиги, доимий назоратни талаб қилиши, ёнилгини кўп сарфлаши ва мосламанинг узок мuddатга чидамаслиги хавфсалани пир қилади.

Ишлаб чиқарилаётганда фойдаланилган паст сифатли материаллар редукторнинг хизмат мuddатини кескин қисқайтиради. Чунончи, Новогрудский заводида ишлаб чиқариладиган баллонларга кўп миқдорда металл ва деталлар ишлатилади, бу газ баллон мосламасининг умумий ҳажмини катталаштириб юборади. Юқоридаги ҳолат мослама нархини қимматлаштирилади, сифати эса яхши томонга ўзгармайди. Бундан ташқари корпуснинг сифатсиз қуйилиши оқибатида редукторлар барқарор ишлай олмайди.

Ўзбекистон бозорига “Samsung” савдо белгиси остида газ баллон мосламалари кириб келган эди. Аммо фойдаланиш жа-



раёнида газ резервуарларида мавжуд кўплаб механик боғламалар билан боғлиқ камчиликлар аниқланди. Бу ҳолат эса ушбу қисмининг деформациясига олиб келади. Юқори босимда эса деформацияга умуман йўл қўйиб бўлмайди. Энг яхши ГБМ (газ баллон мосламаси) ишлаб чиқарувчилар орасида Голландия ва Италия фирмаларини эътироф этишимиз мумкин. Сифати жиҳатидан бир-биридан фарк қилмаса-да, аммо Голландия маҳсулоти Италияникига караганда қимматроқ. Умуман олганда, турли фирма маҳсулотлари бир-биридан кам фарқ қилади. Техник қисмлариди фарқларни асосан профессионал ходимларгина биладилар.

Ҳозир Тошкентда 13 та автомобилларга газ қўйиш шохобчаси ишлаб турибди. Яна ўндан ортқ шундай шохобчалар қуришмоқда. Компания мижозлари сони Ўзбекистонда ҳам тобора кўпайиб бормоқда. Юзга яқин катта-кичик идора, муассаса ва корхоналар шулар жумласидандир. Автомобилларга газ баллонлари ўрнаштирган ва газ қўйиш шохобчаларидан фойдаланаётган фуқаролар эса сон саноксиз.

Автомобилни ишлатиш жараёнидаги маблағни тежаш ва ўрнатилган ускунанинг сарф-харажатларини қоплаш вақти ҳисоби*

Автомобиль русуми	Ускуналарни алмаштириш нархи (пул ўтказиш ва нақд пул)	Иқтисодий фойда					
		Сарф (100 км. ҳисобида)		Баҳоси (сўм)		Маблағ тежаш (сўм) (Э=РБхПРх(СБ-СГ)х1,1)/100)	
		Бензин (л)	Газ (л)	Бензин	Газ	Босиб ўтилган масофа 150 км/бир кунда	330 кун ҳисобида
Нексия	500 000	9	9,9	915	600	3442,5	1136025
Дамас	500 000	7,5	8,25	915	600	2869	946770
Матиз	500 000	7	7,7	915	600	2677	883575
Волга	500 000	13,5	14,8	915	600	5209	1718970
ВАЗ	500 000	9	9,9	915	600	3442,5	1136025

* Ҳисобот ёнилги-мойлаш материалларини алмаштириш ва бунга керакли эҳтиёт қисмлар (мой, филтратсия)ни тежаш ҳамда ёнилги узатиш тизимларининг ишдан чиқшини қамайтириш ҳисобида олиналган ҳолда ўтказилган.

** Ускуна инжектор двигателли “Волга” автомашинасига ўрнатилмайди.

Муртазо СУЛТОНОВ,
“ИНТЕРМОБИЛГАЗ” компанияси директорлар кенгаши раиси, иқтисод фанлари номзоди, Республика муҳандислар академиясининг академиги,
Олий таълим ва Халқ таълими аълочилиси.

Интернет соообщает

ВИЧ начинает разрушать иммунную систему быстрее, чем считалось ранее

3-4 недели.

Ученые из Медицинского центра Университета Дьюка в Северной Каролине исследовали плазму крови тридцати свежезараженных ВИЧ людей каждые три дня в течение нескольких месяцев – до, во время и после периода первичного активного размножения ви-

руса. Определялись уровни четырех маркеров гибели инфицированных лимфоцитов: связанного с фактором некроза опухолей (ФНО) лиганда, индуцирующего апоптоз (TRAIL), лиганда Fas, рецептора ФНО типа 2 и плазматических частиц (фрагментов мембран разрушенных клеток).

Оказалось, что концентрация одного из маркеров – TRAIL – значительно повышается за неделю до максимума вирусной нагрузки, т.е. примерно через 17 дней после заражения. Это свидетельствует о массивной гибели клеток в более ранний период.

Наиболее важным следствием

этой работы является то, что для применения лечебной вакцины подходит лишь совсем небольшое промежуток времени с момента заражения. В связи с этим исследователи подчеркивали, что при разработке вакцин требуется задействование сразу множества механизмов иммунной системы как с целью профилактики, так и после заражения.

Кенг қатламли омма учун

МЕЪДА САРАТОНИДАН САҚЛАНИҲ!

Бу мавзу ҳақида сўз юритиш доимо оғир, лекин гапирмаслик ҳам мумкин эмас. Илм билан қуролланган инсоният ҳозирги кунга қадар онкологик касалликларнинг ҳақиқий сабабини тўла англаб етмади. Шу бугунги кунда ҳам саратон касаллигини тўла енга оладиган дорилар аниқланмаган. Тиббиёт ҳавфи ўсма касалликларини даволашда салмоқли йўлдан ўтганига қарамайдан, саратон ташхиси ханузгача инсон учун ўлимга ҳукм деб тушунилади.

Бугунда тиббий ёрдам сифати ва самардорлиги кўп ҳолларда беморнинг ўзига боғлиқ. Маданияти ва савияси етарли бўлган инсон ўзини-ўзи даволаш билан шугулланмаслиги, табибларда беҳуда вақтини сарфламаслиги, ўзида пайдо бўлган хавотирли белгиларга ўз вақтида эътибор бериб врачлар қабулига бориши, унинг яшаши, узоқ яшаши мумкинлигидан далолатдир. Акс ҳолда у ўз ҳаётини, оилавий бахтини ҳавф остига қўяди.

Сизнинг ошқозонингиз оғриб туради, лекин вақтингиз йўқлиги сабабли шифокор қабулига бормайсиз. Биласизми, 90-95 % яқин меъда ўсмалари хавфи ҳисобланади, улардан 95 % дан ортигини саратон касаллиги ташкил қилади. Меъда саратони – ўсма касалликлари ичида энг кўп учроғи касалликлардан бири ҳисобланади. Дунё миқёсида йилига 1 миллионга яқин кишида меъда саратони аниқланади. Касаллиқни аниқлаш ва даволаш усулларининг ривожланиб боришига қарамайдан 600 мингдан зиёд инсон ушбу касаллик юзасидан 1 йил ичида одамдан ўтади.

Ҳозирги кунда меъда саратонини ўз вақтида аниқлашга қаратилган саволлар деярли ҳал қилинган. Замонавий диагностика усуллар меъда саратонини эрта босқичларда аниқлашга тўла имкон беради. Лекин шуниси янчи-

лики, биринчи ва иккинчи босқичларда даволанишга жуда кам мурожаат этилади ва барча касалланганлар ичида 20-25 % ни ташкил қилишади. Қолган 75-80 % ҳолларда эса беморлар тарқалган учинчи, тўртинчи босқичларда мутахассисларга мурожаат қилишади. Бу ҳолларда беморларни кутқариш учун тиббиёт ходимларидан кўпроқ куч ва вақт талаб қилинади. Албатта, бундай «оғир» – маҳаллий ва узоқлашган метастазлари бўлган беморлар эътибордан четлаштирилмайди ва уларнинг ҳаётини узайтиришга барча чора ва тадбирлар қаратилади. Шу билан бирга врачларда вақтни орқага қайтариш имкони йўқлигига афсусланиш юзага келади.

Касаллик келиб чиқишининг асосий сабаблари:
ирсий фактор;
дудланган, тузланган, ўта қовурилган маҳсулотларни доимий равишда кўп истеъмол қилиш;

чекиш;
алкоголь истеъмол қилиш;
саратон олди жараёнлар – сурункали атрофик гастрит, меъда яра касаллиги, пернициоз анемия, меъда резекциясидан кейинги ҳолат, меъда полиплари, иммунтанқислик ҳолатлар.

Меъда саратонининг клиник белгилари:
меъда саратонининг эрта босқичларида деярли ҳеч қандай белгилар учрамайди. Касаллик ривожлана бориши билан клиник белгилар намоён бўла бошлайди;

70-80 % беморга иштаҳа йўқлиги ва сабабсиз озиш хос; умумий ҳолсизлик ва тез чарчаш;

киндик усти соҳасида ноҳуш сезилган, оғриқ бўлиши; иштаҳа пасайиши; овқатлангандан сўнг оғирлик ҳисси, баъзи ҳолларда овқатнинг қадалиб ўтиши;

кўнгил айнаши, қайт қилиш; ахлат рангининг қорайиши; тез тўйиб қолиш ҳисси.

Меъда саратони нимаси билан хавфли?

Меъда ўсмаси овқат ҳазм бўлишининг бузилишига, овқатнинг ичакларга ўтишига тўсқинлик қилиши мумкин. Ўсма меъда деворларидан ўсиб ўтиб, қўшни аъзоларга – меъда ости бези, йўғон ичакка тарқалиши мумкин. Ўсма қизилўнғачга яқин жойлашганида қизилўнғачга тарқалиб, овқат ўтишининг бузилишига, натижада беморнинг кескин озиб кетишига олиб келади. Ўсма жараён қон ва лимфа томирлари орқали бошқа аъзоларга (жигар, ўпка, бош мия, тухумдонлар ва ҳ.к.) метастазлар бериши мумкин.

Қачон шифокорга мурожаат қилиш керак?

Соғлом одамда юқоридаги иштаҳа йўқлиги ва сабабсиз озиш, умумий ҳолсизлик ва тез чарчаш, киндик усти соҳасида ноҳуш сезилган, оғриқ бўлиши, иштаҳа пасайиши, овқатлангандан сўнг оғирлик ҳисси, кўнгил айнаши, қайт қилиш каби белгиларнинг пайдо бўлиши, сурункали гастрит ва меъда яра касаллиги бўлган беморларда белгилар хараakterининг ўзгариши текширувдан ўтиш лозимлигини кўрсатади. Агар оз миқдорда овқат истеъмол қилганга қарамайдан ошқозонда тўлиш ҳисси пайдо бўлиши, кўнгил айнаб қайт қилиш, овқат ўтишининг қийинлашуви кузатилса, зудлик билан мутахас-

сисга мурожаат қилиш керак.

Меъда саратонини тасдиқлаш ёки инкор қилиш учун махсус текшириш усуллари қўлланилади. Меъда эндоскопик текширувида қизилўнғач, меъда, 12 бармоқли ичак ҳолати кўрилади, шубҳали қисмлардан микроскопик текшириш учун биопсия олинади. Меъдада контрастли рентген текшируви – меъдадаги ўзгаришларни аниқлаш имконини беради. Қорин бўшлиғи аъзолари ҳолатини аниқлаш учун ультратовуш текшируви ўтказилади. Компьютер томографияси жараённинг қанчалик тарқалганигини, қайси аъзоларга алоқадорлигини, узоқлашган метастазларни аниқлаш учун ёрдамчи усул ҳисобланади. Кўрак қафаси рентгенологик текширувида ўпканинг ўсма билан зарарланишини аниқлаш мумкин. Ёрдамчи усуллар сифатида компьютер томографияси текшируви, лапароскопия керакли ҳолларда ўтказилади.

Меъда саратонини даволаш

Меъда саратонини даволашда жарроҳлик, химиотерапевтик, нур билан даволаш усуллари қўлланилади. Меъда саратони бошқа даволаш усулларига сезувчанлиги пастлиги сабабли асосий радикал усул – хирургик усул ҳисобланади. Меъданинг проксимал, дистал субтотал резекциялари ва гастрэктомия амалиёти кенг қўлланилади. Шунини

Касаллиқни даволашдан олдин оlish афзал, деб бежиз айтилмаган. Соғлом турмуш тарзи, саратон касаллиги олдидаги кўркуви энгши касаллиқнинг олдини олишда мумимдир. «Арзими» белгилар билан шифокорга мурожаат этишни эп кўрмасликдан кўра, ортиқча текширувдан ўтиш касаллиқни кечки босқичларда даволашдан маъқул. Замон ўзгармоқда: бугунги кунга келиб кўпчилик инсонлар сийхат-саломатлик тинчлик, фаровонлик, осойишталик гарови эканлигини тушуниб етишмоқда.

**Мирҳалол Жўраев,
Сабоҳат МИРЗАРИМОВА,
Республика онкология илмий маркази.**

Огоҳ бўлинг!

ОВҚАТДАН ЗАҲАРЛАНИШНИНГ ЯНА БИР ТУРИ ҲАҚИДА

Ўсимликлар дунёси пайдо бўлгандан бошлаб, улардан ҳаёт учун керакли озиқ-овқатлар, дори-дармонлар ва кийим-кечаклар тайёрланиб, фойдаланиб келинган. Айтиш жоизки, ўсимлик олами неъматларининг инсон организми учун фойдали томонлари билан бирга, зарarli томонлари ҳам борлиги аниқланган.

Кейинги пайтларда республика аҳолиси орасида ёввойи ҳолатда ўсадиган «Кампирчўпон» ўсимлигининг уруғи аралашиб қолган бугдой ва бошқа донлардан тайёрланган ун маҳсулотларини истеъмол қилиш натижасида айрим ҳолларда фожиали тугайтган «триходесматоксикоз» касаллиги қайд қилинмоқда.

«Кампирчўпон» ўсимлигининг уруғи бугдой, масхар ва бошқа ўсимликлар ўсадиган жойларга тушганда яхши ўсади ҳамда инсонлар истеъмол қиладиган донлар билан бир вақтда пишиди. Сўнгра озуқа донлари билан аралашиб, шу дондан тайёрланган ун маҳсулотлари орқали одам организмга тушади. «Кампирчўпон»нинг заҳарли уруғи билан ифлосланган донларни мосла-

тирилган, заҳарли уруғлардан тозаловчи ускунаси бўлмаган ва лабораторияси йўқ хусусий тадбиркорларга қарашли бўлган тегирилмонларда эзилиб тайёрланган ун маҳсулотлари инсон танасига кириб, қон ишлаб чиқарадиган суяк кўмиклари жигар, талок ва бошқа аъзоларда тўпланиб, аста-секин қон ишлаб чиқариш жараёнини бузади, қоннинг таркибини суюлтиради (қондаги эритроцит, тромбоцит тўқималарини эритиб, гемоглиб қилади), натижада организмнинг қони кундан-кунга камайиб, дармонсизлашади. Ундан кейин ҳолсизланиш, бош оғриши, иштаҳа бўғилиши, кўнгил айнаши, бурундан қон кетиши, қорин атрофида оғриқлар пайдо бўлиши, бефарқлик ва асаб тизимининг ишдан чиқарилиши каби касаллик белгилари

пайдо бўлади.

Кўпчилик ҳолларда бу касаллик ривожланиб, 2-3 ой мобайнида ўша заҳар аралашган ун маҳсулотларини истеъмол қилган кишиларда «триходесматоксикоз» касаллигининг охирги аломатлари пайдо бўлгандан кейин шифокорга мурожаат қилинади. Беморнинг умумий аҳволи ўртача оғирликда бўлиб, кун сайин оғирлашиб, заҳар таъсирида асаб тизими сусая бошлайди, хушсизлик белгилари, бурун, оғиз ва ичидан қон кетиш, теридан қон қуйилиш (қизилчалар, кўкаришлар ва ҳоказо) ҳолатлари юзага келади. Ундан кейин беморда асаб тизими фалажлиги, жигар, овқат ҳазм аъзоларининг ишдан чиқishi, юрак қон-томир тизимларининг фаолияти бузилиши натижасида касаллик ўлим билан тугаб, улар кўпчилик ҳолларда ногирон бўлиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиология назорат маркази касаллиқнинг «три-

ходесматоксикоз касаллиги» олдини олиш мақсадида қуйидагиларга риоя қилишнингизни тавсия қилади:

- бугдойзорларда «Кампирчўпон» ўсимлиги ўсаётгани аниқланса, дарҳол уларни териб олиб, йўқ қилиб ташлаш керак;

- ўриб янчилган дон маҳсулотларини омборларга келтиришдан олдин яхшилаб кўриб чиқиши, агарда «Кампирчўпон» уруғи донга аралаштирилганлиги аниқланса, ушбу дондан махсус тозалагичи бўлган тегирмонларда ун тайёрлаш лозим;

- бозорларда ва белгиланмаган жойларда номаълум шахслар сотаётган дон маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини қафолатловчи ҳужжат бўлмаса, харид қилмаслик керак;

- ўзингизда ёки қариндош-уруғларингизда юқорида қайд этилган «триходесматоксикоз» касаллигининг клиник белгиларини сезсангиз, тезлик билан тиббиёт ходимларига мурожаат қилинг.

**Ж. ЗИЁВИДДИНОВ,
Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, овқатланиш гигиенаси бўлими санитария врач.**

Фойдали маслаҳатлар

Бақлажон – таңга жон

Кўпинча одамлар орасида милк касалликлари тез-тез учраб туради. Бунга бақлажон яхши даво бўлади. Чунки бақлажоннинг шифобахш меваси таркибида қанд моддаси, В, В₂, С витаминлар ҳамда минерал тузлар кўп. Унинг доимо пўсти юпка, айлроқ қора ёки бинафша ранглиси истеъмол учун танланади. Унутлангич, унинг таркибидаги зарур моддаларнинг кўпи пўстидадир. Бақлажон суви юзга суртилса, турли доғларни ҳам яхши кетказди.

Кашнич – кўнатлар эркатойи

Кашничли таомлар хушқўр ва тотимли бўлибгина қолмай, балки осонлик билан хос бўлади. Кашнич меваси (спиртли тиндирма, кукун, дамама ҳолида) ҳафзо, томир мўртлиги касалликлари даволашда, изтиробли йўтални қолдиришда, гижжа ҳайдашда кенг қўлланилади. Илмий тиббиёт амалиётида кашнич мевасининг доривор препаратлари иштаҳа очадиган, сафро ҳайдадиган дори сифатида ҳамда бавосил ва яраларни даволашда қўлланилади. Ундан, ҳатто, оғиздаги ёқимсиз ҳудини кетказиш мақсадида ҳам фойдаланилади. Бамизда кашнич воситасида бемор тинчлантирилади, қайт қилишга барҳам берилади.

«Танангизда дард бўлса...» китобидан олинди.

Туғруқ муассасаларидаги акушер-гинеколог, анестезиолог

ва реаниматологларга услубий ёрдам

Ҳомиладорлик вақтида гипертензив синдромли беморларга тавсиялар

Асосий тавсиялар рўйхати

C Ҳомиладорликдаги гипертензив ҳолатлар бўйича Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти томонидан таклиф этилган таснифдан фойдаланиш тавсия этилади.

C Ҳомиладорликдаги гипертензив ўзгаришлар диагнози ва номенклатураси юқоридаги таснифда қўлланилган гипертензия ва протеинуриянинг таърифларига асосланиши керак.

B Артериал босимни ўлчашда тўғри келадиган, яхши ишлайдиган ва созланган асбобдан фойдаланиш ва ҳар бир алоҳида мижоз учун сфигмоманометр манжеткаси ўлчами ҳисобга олиниши керак.

B Артериал босимни ўлчаш хотиржам ҳолатда олиб борилиши, бунда аёлнинг босим ўлчанаётган қўли юрак даражасида бўлиши керак.

C Диастолик артериал босимни қайд этиш Коротков бўйича V товуш (яъни пульсациянинг йўқолишини) ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

B Протеинурияни аниқлаш сийдик намуналарини индикаторли реагентлардан фойдаланиб, текшириш натижаларига асосланиши мумкин (экспресс-таҳлил).

Ҳомиладорликда гипертензиянинг олдини олиш

A Кичик дозаларда аспирин қабул қилиш ва кальций препаратларидан фойдаланиш ҳомиладорликда гипертензия ва преэклампсиянинг, айниқса, мазкур патологиянинг ривожланиш хавфи юқори бўлган аёлларда, ривожланиш хавфи камайишини кўрсатди. Ушбу препаратлар хавфли гуруҳдаги ҳомиладор аёлларда гипертензия ва преэклампсиянинг ривожланиши олдини олиш учун қўлланилиши мумкин (ҳомиладорликнинг биринчи триместри тугагандан кейин, ҳар куни 60 мг аспирин ёки 500 мг кальций карбонат).

A Бошқа ўзгаришлар ёки парҳез турлари (масалан, витаминлар, магнезия, рух қабул қилиш, натрий истеъмолини чеклаш), шунингдек, фармакологик агентларни қўллаш (масалан, простагландинларнинг олдинги авлоди – балиқ мойи) айни пайтда ҳомиладорлик гипертензияси ва преэклампсиянинг пайдо бўлишини олдини олиш мақсадида тавсия этилмайди.

Режали антенатал таширфда қайд этилган гипертензия

B Биринчи марта ҳомиладорликнинг 20-чи ҳафтасигача қайд этилган гипертензия елбўғоз (кам ҳолларда) оқибатида пайдо бўлиши мумкин. Елбўғознинг бор ёки йўқлиги ультратовушли текширувлар ва биокимёвий таҳлиллар ўтказиш йўли билан аниқланади.

C Биринчи марта ҳомиладорликнинг 20-чи ҳафтасигача гипертензия аниқланган аёллар текширувдан ўтишлари лозим (бирламчи ва иккиламчи гипертензия ўртасида дифференциацияланган диагностикани амалга ошириш учун) ва кейинчалик мутахассис кузатувида ва парваришида бўлиши керак.

C Ҳомиладорликдан олдин сурункали гипертензия ёки буйрак касаллиги аниқланган аёллар терапевт иштирокида акушер-гинеколог кузатувида бўлиши керак.

Антенатал кузатувга таъсир қилувчи омиллар

C Таърифга тўғри келмайдиган гипертензияли (ҳомиладорликкача ёки унинг бошланғич босқичларида артериал босим даражалари ҳақида маълумотнинг йўқлиги туфайли) аёлларни антенатал кузатувга олишда ҳомиладорлик гипертензияси ривожланган аёлларни кузатишга хос тамойиллар ҳисобга олинади.

B Қоникарсиз перинатал натижаларнинг юқори кўрсаткичи ҳомиладорлик гипертензия аниқланган ва диастолик артериал босими 25 ва ундан юқори mm Hg га ошган аёллар гуруҳида кузатилади. Бундай мижозлар доимий кузатув остида бўлиши керак.

B Ҳомиладорликнинг 37-чи ҳафтасидан кейин пайдо бўлган ҳомиладорлик гипертензия, кўпинча физиологик характерга эга бўлади, лекин аёлнинг фақат режали кузатувга муҳтож эканлигига қафолат бермайди.

Клиник баҳолаш ва кузатиш

C Режали антенатал таширф пайтида гипертензия аниқланган аёллар диагнози (гипертензиянинг сохта эмаслигини) тасдиқлаш мақсадида дастлабки клиник текширувдан ўтказилиши керак. Имкон борида баҳолашни уй шароитида олиб бориш лозим.

C Агар артериал босимнинг юқори кўрсаткичи 4 соатдан кам вақт мобайнида сақланса, гипертензия тасдиқланмаган (сохта) ҳисобланади.

B Протеинурия бўлмаган ҳомиладорлик гипертензияси билан касалланган аёлларни кузатиш ва олиб бориш кундузги стационар шароитида олиб бориш керак.

C Диастолик артериал босим 100 mm Hg дан юқори бўлмаган энгил гипертензия аниқланганда, антенатал парвариш амбулатория шароитида амалга оширилиши мумкин.

C Диастолик босим 100 mm Hg дан юқори ёки унинг 25 mm Hg га ва ундан кўпроққа кўтарилиши кузатилган аёллар, шунингдек, нохуш перинатал натижа хавфи кузатилган мижозлар, 2-3-чи даражадаги стационарга қўчирилиши ва мутахассисларнинг мунтазам кузатувида бўлиши керак.

Даволаш

A Протеинурия қўшилмаган энгил шаклдаги ҳомиладорлик гипертензияси билан касалланган аёлларни касалхонага ётқизиш ва уларнинг ҳаракатини бутунлай чеклаш самарали бўлиши ҳақида ҳеч қандай далиллар йўқ. Натрий истеъмолини чеклаш ва диуретиклар қабул қилиш парвариш сифатига таъсир қилмайди.

A Протеинурия қўшилмаган энгил шаклдаги ҳомиладорлик гипертензиясининг кўп ҳолларида антигипертензив воситаларни белгилашга кўрсатмалар йўқ. Аммо диастолик босим 105 mm Hg ва ундан юқорилиги, мия қон айланишининг бузилишини олдини олиш мақсадида антигипертензив терапия олиб боришга кўрсатма бўлади. Ҳомиладорликнинг 28 ҳафтадан эрта муддатларида касаллик ривожланса, диастолик босимнинг камроқ даражаларида ҳам антигипертензив терапия белгиланиш зарурияти туғилади.

A Антигипертензив воситалар шифокорнинг клиник тажрибасидан ва аёлнинг мойиллигидан келиб чиқиб танланиши керак. Бирламчи танлов препаратли бўлиб альфа-агонист метилдопа (Допегит) ҳисобланади.

C Туғдириш даволашнинг ягона самарали усули бўлса-да, протеинуриясиз ҳомиладорлик гипертензияси, ўз ҳолича туғруқни сунъий қўзғатиш учун кўрсатма бўла олмайди.

Даволашни олиб бориш шартлари

B Протеинуриясиз ҳомиладорлик гипертензияси билан касалланган ҳомиладор аёлларни кузатиш ва даволаш кундузги стационар шароитида олиб бориш керак.

Туғруқдан сўнг олиб бориш

B Ҳомиладорлик даврида гестацион гипертензия билан касалланган аёлларда кейинчалик сурункали гипертензия ривожланиш хавфи юқори бўлади. Шу муносабат билан уларнинг турмуш тарзини ўзгариштириш орқали (масалан, ортиқча вазни йўқотиш, натрий истеъмолини камайтириш, жисмоний машқлар бажариш) бу хавфни камайтириши мумкинлиги ҳақида огохлантириш лозим.

C Гестацион гипертензияни бошидан кечирган аёлларда артериал босим даражаси туғруқдан 6 ҳафта кейин қайта ўлчаниши лозим. Агар АҚБ кўрсаткичлари меъёрга қайтмаган бўлса, сурункали гипертензиянинг ривожланишини инкор қилиш мақсадида қўшимча текширувлар ўтказилиши зарур.

B Антигипертензив воситаларнинг кўрак сути орқали экскрецияси ва уларнинг чақалоққа таъсири ҳақида етарлича маълумотлар тўпланмаган. Мавжуд маълумотлар барча ушбу препаратларнинг она сутиди мавжудлигини кўрсатмоқда.

Преэклампсия ва эклампсия

B Энгил шаклдаги преэклампсия ва гестацион гипертензияли ҳомиладор аёлларни олиб бориш амбулатор кузатув шароитида амалга оширилиши мумкин.

A Гестацион гипертензия ёки преэклампсиянинг оғир шакллари ҳомиладорликнинг эрта муддатларида намоеён бўлганда, бемор касалхонага ётқизилади. Аёл ва ҳомиланинг аҳоли доимий кузатувида, иложи бўлса учинчи даражадаги стационар шароитларда бўлиши керак.

A Преэклампсиянинг оғир шакллари кузатилган аёллар ҳомиладорлиги муддатини қўзиш 23-32 ҳафталик ҳомиладорликда амалга оширилиши мумкин. Ушбу гуруҳдаги аёлларда ҳомиладорлики давом эттириш ҳақидаги масала ҳар куни муҳокама қилиниши керак. Айрим беморларнинг аҳоли касалхонага ётқизилгандан кейин ва зудлик билан магнезияли ва антипертензив терапия олгандан сўнг яхшиланади.

B Гестацион гипертензия ёки преэклампсиянинг оғир шакллари даволаш фақат она ва ҳомиланинг аҳолининг синчиклаб ўрганиш имконияти бўлган (махсус кузатув) тиббий муассасалар шароитида амалга оширилиши мумкин. Бундай ёндашув ҳомиладорлики давом эттириш, шу билан бирга перинатал ўлим ва касалланиш даражасини камайтириш имконини беради.

A Преэклампсия ва гестацион гипертензияли аёлларда антигипертензив терапия ўтказиш перинатал натижаларга таъсир кўрсатмайди.

A Буйрак касалликларининг энгил шакли билан касалланган аёлларда (креатинин даражаси 123,76 мкмоль/л дан паст), ҳомиланинг яшаб кетиш эҳтимоли бирмунча камроқ бўлиб, касалликнинг ўзи она аҳолининг кескин ёмонлашувига олиб келмайди.

A Ҳомиладорликдан аввал ёки ҳомиладорликнинг бошланғич даврида артериал босимнинг кўтарилиши она ва ҳомилда асоратлар юзага келиши хавфини ва ҳомиланинг нобуд бўлиши эҳтимолини ўн бараварга оширади.

A Ўрта ва оғир даражадаги буйрак етишмовчилиги ҳомиладорлик даврида кучайиши ва ҳомилда ҳаётини хавф остига қўйиши мумкин.

B Гипертензия бундай ҳомиладорликнинг ярмидан кўп ҳолларида кузатилади.

B Туғилган бола вазнининг камлиги она қонида креатинин миқдорининг ортиши билан бевосита боғлиқ.

B Қўшилган преэклампсиянинг диагностикаси анча қийинчилик туғдириши мумкин, чунки гломеруллар аппарати касалликлари мавжуд аёлларда ҳомиладорлик даврида протеинурия одатда кучаяди. Ҳомиладорликда доимий диализни олиб бориш она ўлими кўрсаткичларини сезиларли ошиши билан ассоциацияланади, шунинг учун бундай беморларга ҳомиладорлик маън этилиши керак. Ҳомиладорлик даврида диализ бошланган аёлларда гўдакларнинг яшаб қолиши имконияти (74-80 %), гемодиализ қўлланилаётган вақтда ҳомиладор бўлиб қолган аёлларга нисбатан анча юқори (40-50 %).

A Ушбу қўлланма **Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирлиги, Даллиларга асосланган тиббий Маркази – Тошкент Врачлар малакасини ошириш институти ва «Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаси асосида тайёрланди.**

Билиб қўйган яхши

ҚАЗҒОҚҚА
ҚАРШИ
... ЛИМОН

4 дона лимон цедраси устидан 1 литр қайноқ сув куйиб, ёпиқ идишда 15 дақиқа пиширасиз, сўнг ёпиқ ҳолатда 45 дақиқа тиндиргач, сузиб оласиз. Хар бошингизни ювганингизда ушбу лимон суви билан сочингизни чай-сиз.

Сочларнинг оқаришини тўхтатадиган, ҳатто дастлабки рангини тиклашга ёрдам берадиган ажойиб восита бор. Бунинг учун ширинликлардан ва шакар истеъмол қилишдан (уларнинг ўрнини асал ҳам боса олади) воз кечишга тўғри келади. Эрталаб 1 стакан майдаланган қовоқ уруғини қовоқ этидан қилинган бўтқага аралаштирасиз ва 1 ош қошиқ лимон шарбати қўшиб истеъмол қиласиз.

Шундай 1 ойлик парҳез-нонушадан сўнг сизнинг сочларингиз анчагина кўза ташланадиган бўлади, улар эластик ҳолатда товланади, қазғоқлар ҳам йўқолади.

«Танангизда дард бўлса...» китобидан олинди.

ЭЪЛОН!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси 18-жазони ижро этиш колониясидаги кўп тармоқли республика касалхонасига Тошкент шаҳри ёки вилоятида доимий яшовчи, жисмонан соғлом 35 ёшгача бўлган олий маълумотли турли тоифадаги шифокорлар хизматга қабул қилинади.

Хизматга қабул қилинган ходимлар 50 ёшда нафақага чиқиш ва ички ишлар идоралари ходимларига ўрнатилган бошқа имтиёзларга эга бўладилар.

Хизматга қабул қилинган ходимларнинг ойлик маоши биринчи йилида 250 000 сўмни ташкил этади.

Бизнинг манзилимиз:

Тошкент шаҳри, Хамза тумани,

Оханграбо кўчаси, 1-уй.

Маълумот учун телефонлар:

290-83-86, 290-36-29, 290-78-14.

ОБЪЯВЛЕНИЕ!

Главное управление исполнения наказаний МВД Республики Узбекистан объявляет набор специалистов до 35 лет с высшим медицинским образованием для постоянной работы в многопрофильную Республиканскую больницу при Учреждении УЯ 64/18 с постоянной пропиской в г.Ташкенте или Ташкентской области.

Они имеют право выйти на пенсию в 50 лет и пользоваться установленными льготами.

Первичная месячная зарплата составляет 250 000 сум.

Наш адрес: город Ташкент,

Хамзинский район, улица

Оханграбо 1.

Телефоны: 290-83-86,

290-36-29, 290-78-14

Искусственную почку
можно будет носить
на себе

Ученые из Университета Калифорнии (UCLA) и Отдела по делам ветеранов лос-анджелесской системы здравоохранения (VAHS) разработали автоматическую переносную искусственную почку (AWAK) – аппарат для диализа, который можно носить на себе.

Эти учреждения уже подписали лицензионное соглашение с сингапурской компанией AWAK Technologies Pte. Ltd. на создание коммерческого варианта модели, разработанной доцентом UCLA консультантом VAHS по диализу Мартином Робертсом (Martin Roberts) и профессором UCLA, консультантом VAHS по нефрологии Дэвидом Ли (David B.N. Lee).

Существующие диализные аппараты, разработанные в конце 70-х – начале 80-х годов прошлого века, весьма громоздки. Пациент должен проходить процедуры диализа несколько раз в неделю, в промежутке между ними в организме постепенно накапливаются токсины. Это вызывает нежелательные колебания химического состава крови. Кроме того, использование аппаратов, фильтрующих кровь, подразумевает введение противосвертывающих препаратов для профилактики тромбообразования, что может привести к серьезным осложнениям.

Переносной аппарат свободен от этих недостатков – он очищает кровь постоянно, как

ИНТЕРНЕТ СООБЩАЕТ

настоящая почка. AWAK базируется не на гемодиализе (фильтрации крови), а на перитонеальном диализе, при котором шлаки и токсины «вымываются» из крови по градиенту концентрации через брюшину специальной жидкостью, омывающей брюшную полость. Циркуляция этой жидкости и ее очистка осуществляются переносной искусственной почкой.

Все это позволит пациентам с аппаратом AWAK сохранять активность передвижений во время диализа при минимальном количестве побочных эффектов.

В США излечили
тяжелый рак

ИММУННЫЕ КЛЕТКАМИ

Американские ученые из Центра онкологических исследований Фреда Хатчинсона (Fred Hutchinson Cancer Research Center, Сиэтл) заявляют, что смогли вылечить пациента с запущенной меланомой путем введения в его организм его собственных иммунных клеток, размноженных в лаборатории. Об этом сенсационном случае сообщает BBC News со ссылкой на публикацию в New England Journal of Medicine. В публикации говорится, что исследователи Центра Фреда Хатчинсона специализируются на изучении иммунных реакций организма при раковых заболеваниях. В частности, здесь прицельно исследуют роль одной из разновидностей белых кровяных телец

– CD4-положительных Т-клеток, обладающих способностью убивать раковые клетки. Лабораторные исследования показали, что культуры таких клеток способны лечить онкологические заболевания у мышей, но на людях подобные методы до сих пор не испытывались.

Ученые из Центра Фреда Хатчинсона выделили CD4-положительные Т-клетки из лейкоцитарной массы 52-летнего больного меланомой, у которого опухоль уже дала метастазы в жизненно важные органы, включая легкие и лимфатические узлы. Затем эти клетки, выработанные для борьбы с раком организмом самого больного, подвергли клонированию в лаборатории и вырастили культуру, включающую 5 миллионов специализированных противораковых Т-клеток. Эту массу ввели в организм больного. Спустя два месяца все тесты показали, что раковых опухолей в организме больного больше нет. CD4-положительные Т-клетки обнаруживались в крови на протяжении нескольких месяцев после лечения. Исследователи опубликовали сообщение о своем результате через два года – больной жив и здоров, онкологических заболеваний у него на данный момент не обнаруживается.

Авторы исследования заявляют, что первыми в мире добились такого результата у человека. Однако они подчеркивают, что данный тип лечения разработан

для пациента со специфическим типом иммунной реакции на определенный тип опухоли, и нет никаких гарантий, что такое же лечение может быть столь же эффективным у других раковых больных. Чтобы определить возможности нового метода, требуются еще долгие исследования.

Ученые получили
самую подробную карту
соединений нейронов
коры мозга

Швейцарские и американские ученые получили наиболее подробное на сегодняшний день отображение нейронных связей в коре головного мозга. Ученым также удалось впервые идентифицировать зону, в которой плотность пересечений аксонов, соединяющих различные отделы мозга, наиболее высока.

В своей работе сотрудники Университета Индианы, Медицинской школы Гарварда (США), Лозаннского университета и Государственной политехнической школы Лозанны (Швейцария) применили новаторский метод исследования головного мозга – так называемую диффузную спектральную томографию (DSI). Этот метод, основанный на картировании вероятностной функции плотности диффузии молекул воды в тканях, позволяет фиксировать пространственные отношения между отростками не-

рвных клеток – аксонами.

До последнего времени – метод функциональной магнитно-резонансной томографии позволял ученым лишь наблюдать активизацию тех или иных участков мозга в ответ на различные стимулы, однако структура нервных волокон, связывающих эти участки, изучалась в основном на животных моделях.

С помощью новой техники исследования ученым удалось проследить путь миллионов отростков нервных клеток, и, что еще более важно, выявить зону наиболее высокой плотности пересечений этих отростков – так сказать, центральный «узел связи» мозга. Как оказалось, у всех исследуемых добровольцев он находился в задней медиальной части коры обоих полушарий.

«Об этом не было известно раньше, эта зона интересовала ученых с другой точки зрения», – поясняет один из ведущих авторов исследования Олаф Спюрнс (Olaf Sporns). – Например, было известно, что в состоянии покоя этот участок продолжает выделять наибольшее количество энергии, но до последнего времени мы не могли объяснить, почему это происходит».

На следующем этапе исследования ученые намерены выяснить, как выявленные им структурные взаимосвязи изменяются: по мере старения мозга или в результате травм и нейродегенеративных заболеваний.

Материалы основаны на данных Интернета.

Газета муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни сақлаш
вазирлиғи

Бош муҳаррир: Нодир ШАРАПОВ
Ижрочи муҳаррир: Ибодат СОАТОВА

Таҳрир ҳайъати раиси:
Феруз НАЗИРОВ

Таҳрир ҳайъати аъзолари:

Бобур Алимов, Озода Муҳитдинова, Бахтиёр
Ниёзматов, Нурмат Отабеков, Рихси Салихжаева,
Абдулла Убайдуллаев, Фарҳод Ғузийлов,
Миралишер Исламов, Намоз Толипов (масъул котиб).

Газета материаллари таҳририят компьютер
марказида терилиди ва саҳифаланди.

Манзилимиз: 700060, Тошкент шаҳри, Охунбоев кўчаси, 30-уй, 2-қават. Тел/факс: 233-57-73, тел.: 233-13-22. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йилнинг 6 декабрь куни рўйхатга олинган, гувоҳнома рақами 0015.

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқиди. Мақола-лар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Фойдаланилмаган кўлемлар таҳлил қилинмайди, ёзма жавоб қайтарилмайди. Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далил-ларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга ① шартли белгиси қўйилган.

Адади 5292 нусха. Буюртма Г-650.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Газета ҳажами 4 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи: Бахтиёр ҚУШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.